

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.San.51.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТУРҒУНОВА НАСИБА МАМАТОВНА**

**НАМАНГАН ЯЛЛАЧИЛИК САНЪАТИ АНЪАНАЛАРИ**

**17.00.02 – Муסיқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по искусствоведению**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)  
on art history**

**Турғунова Насиба Маматовна**

Наманган яллагилик санъати анъаналари.....3

**Турғунова Насиба Маматовна**

Традиции искусства наманганских яллагили.....23

**Turgunova Nasiba Mamatovna**

Traditional yalla art Namangan.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....46

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.San.51.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ТУРҒУНОВА НАСИБА МАМАТОВНА**

**НАМАНГАН ЯЛЛАЧИЛИК САНЪАТИ АНЪАНАЛАРИ**

**17.00.02 – Муסיқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/San7 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Санъатшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fineartins.uz](http://www.fineartins.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иброҳимов Оқилхон Акбарович**  
санъатшунослик фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Агзамхаджаева Саида Собитхоновна**  
фалсафа фанлари доктори

**Жўраев Маматқул**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат миллий рақс ва  
хореография олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Сан.51.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (+99871) 239 46 67, факс: (+99871) 239 17 71, e-mail: [siti1928@mail.ru](mailto:siti1928@mail.ru))

Диссертация билан ЎЗР ФА Санъатшунослик институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2. Тел.: (+99871) 2394667)

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги реестр баённомаси).

**А. А. Ҳақимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, Ўзбекистон Бадий академияси  
академиги

**Н. Ғ. Каримова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**И. А. Мухтаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Замоनावий жаҳон этномусиқашунослигида халқларнинг ўзлигини англаувчи асрий муסיқий анъаналари, уларнинг тарихий шаклланиш омиллари, эстетик моҳияти ва тадрижий ривожланиш қонуниятлари устувор йўналишлардан бири бўлиб турибди. Бунда айниқса яратувчанлик тимсоли бўлган аёл (она)лар муסיқа ижодига хос парда-оҳанг ва ритм хусусиятларини тавсифлаш, уларни юзага келтирган бирламчи манбааларни аниқлаш, ҳамда кўп асрлик гендерлик ананаларининг миллий муסיқа ривожда тутган ўрнини ёритиб бериш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон этномусиқашунослигида Шарқ мусулмон олами аёлларининг ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрни, уларнинг ижодига оид жанрлар таснифи, етакчи мавзулар доираси, бадий ифодаланиш воситалари ва ижрочилик анъаналари доим диққат-эътиборда бўлиб келган. Ўзбек муסיқашунослигида ҳам бу масалалар қисман ёритилган. Айни вақтда ўзбек аёлларининг касбий яллагичлик ижоди, бу санъатнинг генезиси ва моҳияти; хос оҳанг, парда (лад) ва ритмик хусусиятлари; яллагичлик санъатининг замоनावий ўзбек маданиятида тутган муҳим ўрнини асослаб бериш ишлари муסיқашунослик илми олдида турган муҳим илмий вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда миллий муסיқий кадриятларни баркамол ифодаловчи халқ муסיқа мероси ва касбий монодия намуналарини атрофлича тадқиқ этиш учун зарур шарт-шароитлар юзага келди. Шу жумладан, халқ кўшиқлари, бахшичилик дostonлари, мумтоз мақомлар қаторида чинакам кадр-қимматини топа бошлаган аёллар муסיқа ижодини этномусиқашунос-ликнинг замоनावий илғор методлари асосида ҳаққоний ёритиш борасида кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”<sup>1</sup> ишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2435-сон “Болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, ҳамда 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган муҳим вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси.

технологиялар ривожланишининг 1.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таникли мусиқашунос олимлари томонидан аёллар мусиқа ижодига оид бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Аксарият илмий изланишларда гендерлик анъаналари оилавий маросим, урф-одат ва халқ байрамлари билан боғлиқ намоён бўлиши қайд қилинган. Жумладан, Т. Левин<sup>1</sup>, Т.Мерчанд<sup>2</sup>, С.Жассал<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида аёлларнинг шундай тадбирлар билан боғлиқ ижодкорлиги ва ижрочилиги аниқланган. Аёлларнинг касбий санъат даражасига юксалган гендерлик анъаналари, хусусан, созанда санаъатига хос “Бухорча” туркумларининг тузилиши ва ижрочилик шакллари Н.Нуржонов<sup>4</sup> ва З.Тожиқоваларнинг<sup>5</sup> тадқиқотларида ёритилган.

Ўзбек мусиқашунослигида аёллар ижоди, хусусан, яллачилик санъатига тааллуқли айрим хусусиятлар ёритиб берилган. Жумладан, Е.Романовскаянинг “Мақолалар ва маърузалар. Мусиқий фольклор ёзувлари” (“Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора”) номли китобида ўзбек аёллари орасида удум бўлган халқ кўшиқлари ҳақида қимматли маълумотлар билан бирга яллачилик ижодига хос айтимлардан нота намуналари келтириб ўтилган<sup>6</sup>.

Атоқли олим Ф.Кароматлининг “Ўзбек халқи мусиқа мероси XX асрда” номли туркум нашрларида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари аёлларининг яллачилик ижролари мухтасар тавсиф этилади<sup>7</sup>. Мусиқашунос олима К.Олимбоева-Аҳмедованинг “Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа” номли мазмунли монографиясида Фарғона аёлларининг “ичкари”даги маданий ҳаёти ва улар орасида машҳур кўшиқ, лапар, ёр-ёр, ялла намуналари ҳақида эътиборли маълумотлар келтирилган<sup>8</sup>. Шунингдек, Ил.Акбаров, Т.Визго, А.Жабборов, Т.Ғофурбеков, О.Иброҳимов, О.Азимова, Р. Юнусов, И.Ғаниева ва бошқа мусиқашунос олимларнинг турли мавзулардаги илмий ишларида ҳам яллачилик санъатига оид айрим масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилганлигини кўрамыз<sup>9</sup>.

<sup>1</sup>Levin T. The Hundred Thousand Fools of God Musical Travels in Central Asia (and Queens, New Your). Bloomington Indiana University Press. 1996.

<sup>2</sup>Merchand T. Women musicians of Uzbekistan:from Coutyard to Conservatory. – New York. 2015. –224 b.

<sup>3</sup>Smita Tewari Jassal. Unearthing Gender: Folksongs of North India. – India. 2012. – 296 b.

<sup>4</sup>Нурджанов Н. Театральная и музыкальная жизнь столицы государство Саманидов. –Душанбе. 2001. – с.292.

<sup>5</sup>Таджиқова З. О музыкальном искусстве бухарских женщин-созанда [в сб.] Традиции музыкальных культур народов Ближнего, Среднего Востока и современность: Материалы II международного музыковедческого симпозиума. Самарканд, 7-12 октября 1983. – М. 1987. – с. 74-82.

<sup>6</sup>Романовская Е.Е. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. –Ташкент. ГИХЛ, 1957. – с.83.

<sup>7</sup>Кароматов Ф. Ўзбек халқи мусиқа мероси XX асрда. II-китоб. – Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. – 207 б.

<sup>8</sup>Олимбоева-Аҳмедова К. Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. –Т. Ёзувчи. 1996.

<sup>9</sup>Визго.Т.С. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. –М. Музыка. 1970. –с. 320.; Жабборов А. Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. –Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. –188 б.; Ғафурбеков Т.

Маълумки, миллий театр санъатини шакллантириш жараёнларида яллачилик анъаналари ҳам аҳамиятли бўлган. Бинобарин, яллачиликнинг ўтмишда шаклланган серкўлам удумлари сахна томошаларининг муҳим манбалари қаторида театршунос олимлар диққатини ўзига жалб этиб келади. Бу ўринда атоқли олимлар – М.Раҳмонов ва М.Қодировларнинг илмий тадқиқотларида теран кузатув, таҳлил ва муҳим хулосалар борлиги эътироф қилинди<sup>1</sup>.

Лекин шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган илмий ишларда аёлларнинг касбий яллачилиги ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлсада, бироқ мусикашуносликда бу дилбар санъат яхлит ҳолда тадқиқ қилинмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Санъатшунослик институтининг илмий-тадқиқот режаси ҳамда Ф1–ФА–0–10304 (ФА–Ф1–Г032) рақамли “Марказий Осиё санъатида тарихий давомийлик: бадий мактаблар, услублар ва технологиялар (қадимги даврлардан бугунги кунгача) (2012-2016 йй.)” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Наманган аёллар яллачилик санъатининг ижодкорлик, ижрочилик ва устоз-шогирд анъаналарини тизимли тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ҳозирги давр ўзбек мусиқа маданиятидаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яллачилик санъатининг тарихий келиб чиқиш омиллари ва унинг тараққиёт босқичларини аниқлаш;

Наманган аёллар ижодига оид айтим жанрларини илмий таснифлаш;

яллачилик санъатига хос мусиқий парда, оҳанг ва ритмик тузилмаларнинг инвариант асосларини аниқлаш ҳамда уларнинг айтим намуналарида вариант намоён бўлиш ҳолатларини асослаб бериш;

яллачилик санъатининг замонавий ўзбек мусиқа маданиятидаги янгича кўринишларини асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Наманган яллачилик санъатида қарор топган ижодий, ижрочилик ва устоз-шогирд анъаналари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** яллачилик санъатининг мазмун-моҳияти, оҳанг луғати, ритм-усуллари ва бошқа хос сифатлари ёрқин ифодаланган айтим жанрлари (ялла, кўшиқ, ашула, ёр-ёр ва б.)дан иборат.

---

Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. – Т. Ўқитувчи. 1984. – с.111; Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 1-қисм (методик тавсиялар) – Т. ЎзР ХТ ўқув методик маркази. 1994. –62 б.; Азимова А. Вопросы синтаксиса восточной монодии: – Т. Фан.1989. –90 б.; Азимова А. Вопросы синтаксиса восточной монодии: К истории его становления и развития. – Т. Фан. 1998. –103 б.; Юнусов Р.Ю. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 2-қисм. (ўқув-услубий қўлланма) – Т. Зиё чашма. 2000. –56 б.; Ганиева И. Танаворлар. – Т. 2003. – 65 б.

<sup>1</sup>Раҳмонов М. Ўзбек театри тарихи. (XVIII асрдан XX аср аввалигача ўзбек театр маданиятининг тараққиёт йўллари) –Т. Фан. 1968. –480 б.; Қодиров М. Яллачилар санъати.– Т. “San’at” журнали. 2008. №3-4.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мазкур диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал ва этномусиқашунослик таҳлил усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Яллачилик санъатининг тарихий келиб чиқиш манбалари қадимги даврга оид диний-эътиқодлар, халқ маросимлари, оммавий байрам ва урф-одатлари билан боғлиқлиги аниқланган;

аёллар мусиқа ижодининг негизини ташкил этган оҳанг луғати трихордлардан иборатлиги ҳамда уларнинг мунгли семантик мазмуни очиб берилган;

куй, сўз ва рақс унсурлари муштарак яллачилик санъатида трихордларнинг турлича ритмик-усуллар билан боғланиши ўлароқ хилма-хил бадий образлар намоён бўлиши исботланган;

Наманган яллачилик санъатида ўзбек аёлининг руҳий кечинмалари, миллий менталитети ва борлиқни нозик ҳис қилиш жараёнлари ўзига хос парда-оҳанг ва ритм-усуллари воситасида ифодаланиши ёритиб берилган;

яллачилик санъатига хос хусусиятларни ўрганиш натижасида олинган хулосалар ўзбек мусиқашунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Мусиқий мерос намуналарини куй сифатлари нуқтаи назаридан таснифлаш ва тизимлаштиришда муҳим асослардан бири бўлиб хизмат қилади;

ялла жанрининг оҳанг-ритм хусусиятлари замонавий ўзбек миллий эстрада қўшиқчилигини шакллантириш ва ривожлантиришда ижодий заҳира вазифасини бажаради;

олий таълим муассасалари, академик лицей, коллеж ва умумтаълим мактабларида ўзбек миллий мусиқасини ўрганишда ёрдамчи адабиёт бўлиши баробарида “Ўзбек халқ мусиқа ижоди”, “Ўзбек анъанавий мусиқаси”, “Жаҳон ва ўзбек мусиқаси тарихи”, “Ўзбек мусиқаси тарихи”, “Ҳудудий мусиқий услублар”, “Фольклоршунослик”, “Фольклор ижрочилик маҳорати”, “Мусиқий этнография”, “Халқ куйларини ноталаштириш”, “Мусиқа маданияти” каби фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади;

фольклор-этнографик ансамблларининг фаолиятини юритишда ҳамда яллачилик санъати анъаналарини оммавий ахборот воситаларида тарғиб ва ташвиқ қилишда услубий қўлланма вазифасини ўтайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган хулосаларнинг тарихий-қиёслаш, тавсифлаш, этномусиқашунослик таҳлил каби усуллар билан асослангани, яллачилик анъаналари моҳиятини очиб беришда ўтмиш ёзма манбалари қаторида бадий меросхўрликнинг “устоз-шогирд” тамойилларига таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда ўзбек мусиқашунослигининг алоҳида тармоқлари бўлган

музикий манбашунослик ва этномусиқашунослигида мавжуд маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради, халқнинг маданий ҳаёти асосида ўрганилган турли урф-одат, маросим ва уларда куйланган айтимларнинг шеърӣ матнлари фольклоршунослик, этнография ва матн тилшунослиги фанларининг ривожига ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – олинган хулосалар ўзбек муסיқасининг бадий ифода воситалари ва семантик жиҳатларидан ижодкорлик ва ижрочилик соҳаларида янада самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, миллий муסיқа хусусиятларининг назарӣ асосларини яратиш, соҳага оид атамалар луғатини тузиш билан бир қаторда фольклоршунослик, тилшунослик ва этнография фанларидан тайёрланадиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашуви жараёнларида фойдалидир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Наманган яллачилик санъати анъаналари тадқиқоти бўйича олинган илмӣ натижалар асосида:

яллачилик санъати билан боғлиқ ўзбек муסיқашунослиги ва музикий таълимда қўлланилаётган “ялла”, “қўшиқ”, “ашула” жанрлари ҳамда “яллачи”, “сатанг”, “созанда”, “халфа” каби санъаткорлик номлари ҳамда муסיқага оид назарӣ хулосалар Ф1-ФА-0-10304 (ФА-Ф1-Г032) рақамли “Марказий Осиё санъатида тарихий давомийлик: бадий мактаблар, услублар ва технологиялар (қадимги даврлардан бугунги кунгача) (2012-2016)” номли фундаментал лойиҳага тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2018 йил 14 мартдаги № 3/1255-658 сонли маълумотномаси). Илмӣ натижалар асосида Наманган яллачилик санъатининг мазмуни ва унда қўлланиб келинаётган жанрлар моҳияти очиб берилган;

яллачилик санъатининг маҳаллий музикий услублар доирасида тутган ўрни ва бу санъатга тааллуқли қўшиқ, лапар ва ялла жанрларининг тавсифи умумтаълим мактабларининг 4- ва 7-синфлар учун 2015 ва 2017 йиллари чоп этилган “Муסיқа” дарсликларида қўлланган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 24 мартдаги № 03-02/2-2-556 сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчилар миллий музикий қадрият, шу жумладан, аёллар муסיқа ижодига оид аниқ назарӣ билимга эга бўлганлар;

тадқиқотчи яллачилик санаъатининг тарихий, назарӣ, ижодий ва ижрочилик масалаларига доир айрим муҳим фикрларни Наманган вилоят телерадиокомпанияси “Маънавият” дастурининг 103,6 тўлқини “Олтин замин” радио эшиттиришида ҳамда “Диёр 24” телевизион ахборот дастурида баён этган (Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 11 ноябрдаги № 08-02.175, 2017 йил 21 декабрдаги № 08-02-734 сонли маълумотномаси). Натижада телетомошабин ва радио тингловчилар ушбу масалалар юзасидан муайян маълумотларга эга бўлганлар.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмӣ-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шулардан 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 130 саҳифадан иборат. Диссертацияга яллачилик санъати намояндalари, нота намуналари, суратлар ва жанрларнинг худудий харитаси илова қилинган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Яллачилик санъатининг тарихий-этнографик асослари”** деб номланган биринчи бобида бу санъатнинг тарихий келиб чиқиш илдизлари ва этнографик манбалари ҳақида сўз юритилади. Бунда аёлларнинг қадимги даврлардан бошланган меҳнат жараёнлари, кундалик турмуш тарзи ҳамда турли эътиқодлар билан боғлиқ маросим ва халқ байрамларида намоён бўлган турфа (қўшиқчилик, рақс ва б.) ижодлари яллачиликнинг илк сарчашмалари қаторида тавсифланди.

Узоқ ўтмиш осори-атиқалари, маданий ёдгорликлари ва ёзма манбаларидан маълум бўладиги, “эски туркларда аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқелари юксак бир даражада бўлган”<sup>1</sup>. Айниқса аёл мусиқачиларнинг жамиятдаги алоҳида нуфузи эътиборни ўзига тортади. Жумладан, олис ўтмишда узун кўйлак ва либос кийган, бошларига эса рўмол тортган ифбатли аёл-мусиқачилар санъатнинг юксак тимсоли, диний маросимларнинг ўзига хос рамзи ва турли топиниш-эътиқодларнинг санамлари ўлароқ эъвозланганлар<sup>2</sup>. Бунга бир қатор археологик топилмалар – бодомкўз созанда ва хонанда аёлларнинг тасвирлари акс этган терракота ҳайкалчалари ва деворий суратлар ашъвий далил бўлиши мумкин. Кушон подшолиги (милодий I-IV а.)га оид моддий-маданий ёдгорлик – Термиз худудига яқин

<sup>1</sup> Турон Усмон. Туркий халқлар мафқураси. (таржимон Улуғбек Абдулвахоб). –Т. Чўлпон. 1995. – 94 б.

<sup>2</sup> Вызго.Т.С. Музыкальные инструменты Средней Азии (исторические очерки). – Москва. Музыка. 1980. – с. 17- 45; Иброҳимов О. Кушон подшолиги мусика маданияти. – Т. 2008. ЎзР ФА Санъатшунослик институти кутубхонаси. № 1011. 8-12 б.; Назаров А.Ф. Антик давр мусика маданияти. –Т. 2003. ЎзР ФА Санъатшунослик институти кутубхонаси. Инв. № 997. – 8-14 б.; Вызго Т.С. Афрасиабская лютня. //Из истории искусства великого города. –Т. Издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма. 1972. –282-284 б.

Айритом кўхна шаҳар харобаларидан топилган машҳур тоштахта (Айритом фризи) асосида ўша даврдаги аёл санъаткорлар чолғучилар ансамблида етакчилик қилганлигини англаш мумкин.

Наманган вилоятида ҳам узок ўтмишга оид маданият масканлари бисёр. Бу ҳудудларда олиб борилган кўплаб археологик изланишлар натижасида қадимги маданият ўчоқлари бўлган Чуст, Мунчоктепа, Косон каби кўхна шаҳарлар аниқланган. Жумладан, академик А. Асқаров раҳбарлигидаги археологлар Поп туманида жойлашган кўхна Мунчоктепа шаҳри сағаналарини ўрганиш орқали қадимги аждодларнинг ипак, пахта ва жундан тайёрланган кийим-кечаклари, турмуш тарзи, меҳнат куруллари ва анжомлари ҳақида қимматли маълумотларни қўлга киритганлар. Бу ўринда мусиқачи ёнидан чиққан 1500 йил аввалги кўшна ҳозирда маълум шу чолғудан деярли фарқ қилмаслиги эътиборлидир<sup>1</sup>.

Наманган вилоятида жойлашган қадимий маданият ўчоқларидан яна бири – Косон шаҳридир. Манбаларда қайд қилинишича, Косон милоддан аввалги I асрда Кушонлар салтанатининг пойтахти бўлган<sup>2</sup>. Шунинг ҳамда юқорида тавсиф этилган Айритом ёдгорлигини инобатга олиб, бу ҳудудлардаги аёллар мусиқа ижоди касбий санъат даражасига етганлиги ҳақида мантиқий хулосаларга келиш мумкин.

Наманган вилояти ҳудудларидаги маҳаллий аҳолининг қадимги даврларга оид ижтимоий-маданий ҳаётида йил фасллари ва меҳнат жараёнларига доир “Лола байрами”, “Наврўз байрами”, “Гуллар байрами”, “Ҳосил байрами” сингари оммавий байрам ҳамда оилавий тўй маросимларини ўтказиш анъанавий тус олган эди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, қадимий байрам ва турли маросимларни ўтказишда шеърят (сўз), мусиқа ва ўйин (ракс) унсурларини ўзида муштарак этган бадиий синкретизм учлиги муҳим ўрин тутган. Табиийки, бундай тадбирларда аёлларнинг ижодкорлик ва ижрочилик истеъдодлари кенг намоён бўлиб келган. Бу хулосага келишимизда бизгача етиб келган асрий анъаналар, қолаверса, атоқли венгер композитори ва халқ ижодиётининг чуқур билимдони Бела Бартокнинг куйидаги теран кузатувлари ҳам маълум асос беради: “Умуман шунинг таъкидлаш керакки, аёллар эркакларга нисбатан кўп кўшиқ билдилар ва уларни тўғрироқ куйлайдилар... Чунки, узок ўтмишда маълум урф-одаг ва халқ маросимлари билан боғлиқ (масалан, тўй кўшиқлари, йиғи-йўқлов) айтимларни ижро этиш фақат аёл ва қизлар зиммасида бўлган”<sup>3</sup>.

Қадимдан келаётган шундай маросим кўшиқлари қаторига “Ёр-ёр”ларни киритиш мумкин. Чунки, аёллар қалбида муқаддас туйғулар билан уйғун бундай айтимлар “Алла” ва “Йиғи” сингари “ўзбек аёллари ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланган”<sup>4</sup>. Узок даврлардан бугунги кунгача ўз

<sup>1</sup>Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. –Н. Наманган. 2007. –12 б.

<sup>2</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси 5-жилд. –Т. Ўзбекистон. 2003. – 659 б.

<sup>3</sup>Барток Б. Зачем и как собирать народную музыку (перевод, вступительная статья и примечания С.И. Вайса.). – М. Госмузиздат. 1959. – с.15.

<sup>4</sup>Олимбоева-Аҳмедова К. Ўзбек аёли ҳаётида мусиқа. –Т. Ёзувчи. 1996. – 18 б.

қийматини йўқотмай келаётган “Ёр-ёр”лар бизга аён бўлган аёллар оҳанг луғати<sup>1</sup>, шу жумладан, яллачилик санъати оҳанглар тизимининг туб негизини ташкил этганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.

Тарихдан маълумки, араблар Ўрта Осиёга кириб келиши (VII а.) ва мамлакатимиз ҳудудларида ислом дини кенг ёйилиши ўлароқ халқимиз маданий ҳаётида, шу жумладан, аёллар оғзаки мусиқа ижодининг шаклу шамоилида маълум ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳол, жумладан, яллачиликнинг муҳим таянч манбаларидан бири бўлган “ичкари” маданиятига хос жанрлар ва уларни ижро этиш анъаналарида ўз аксини топди. Хотин-қизлар даврасида қарсак дойра чалиб ёки дойра зарбларига мос ҳаракатли хилма-хил рақс ва “Хонабазм” ўйинларининг кўрсатилиши одат тусини олган. Дутор чолғуси ҳар бир хонадонда осиглик туриши маданий урфга айлана бошлаган даврларга келиб эса, иқтидорли хотин-қизлар дутор чертишни ҳам ўзлаштириб, унда рақс ва ўз ҳонишларга жўрнавозлик қилганлар. Буларни маромига етказиб ижро этувчи ҳаваскор яллачилар ҳам етишиб чиққанлар.

Бу жараёнларда қадимдан келаётган шўх ўйинли айтимлар янги мазмун билан қайта жонланиб, ҳозирда маълум лапар ва ялла жанрлари кўринишида узил-кесил шаклланган. Шу каби аёлларнинг табиати ва ички оламини ифода этувчи ичкари маданиятига хос жанрлар “Хотин оши”, “Юз очди”, “Бешик тўйи”, “Никоҳ тўйи” ва бошқа маросим ва байрамларнинг мароқли ўтишини таъминлаган. Бунга, масалан, Наманган вилоятида қарор топган кўп асрлик оилавий маросимлар ёрқин мисолдир.

Ижтимоий-маданий ҳаётнинг бу кўринишларида хотин-қизларнинг ижодкорлик анъаналари асрлар давомида ривожланиши билан бирга аёллар орасидан касбий мусиқачилар етишиб чиқиши учун ҳам муҳим замин бўлган. Шу билан бирга аёллар ижодининг касбийлик даражасида қарор топиши турли тарихий даврларда юзага келган салтанатлар, халифа ва хонларнинг сарой маданиятлари муҳити билан боғлиқ амалга ошган эди. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг ворислари саройларида аёл санъаткорларнинг фаолият кўрсатишлари учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган. Манбаларда келтирилишича, улуғ Соҳибқирон саройида эркак санъаткорлар билан бир қаторда раққоса, созанда ва хонанда аёллар ҳам ўз истеъдодларини кўрсатишларига изн берилган. Бу истеъдод соҳибалари яллачилар каби дойра чертиш, куйлаш ва рақсга тушиш санъатларидан воқиф бўлганлар. Санъаткорларни эъзозлаган Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврларида ҳам кўплаб истеъдодли аёллар эркаклар даврасида бўлиб турадиган мажлис ва зиёфатларда ўз санъатлари билан қатнашиб келганлар. Шундай тадбирлар туфайли ҳам аёлларнинг мафтункорона ижроларидан бевосита баҳраманд бўлган шоир, мусаввир ва тарихчилар уларни ўз асарларида олқишлаганлар. Бунда уларнинг истеъдод даражалари кўпинча

---

<sup>1</sup>Ўзбек мусиқашунослигида “оҳанг луғати” тушунчаси академик Б.Асафьевнинг “интонационный словарь” ибораси асосида илмий муомалага киритилган. “Аёллар оҳанг луғати” мазмунида ўзбек хотин-қизларининг кўп асрлик ижоди давомида муқим ва устувор аҳамиятга эга бўлган ҳамда турли айтим (кўшиқ, ялла, ашула ва б.)ларнинг куй асосини ташкил этган барқарор (инвариант) оҳанг тузилмалари тушунилади.

самовий созанда (чангчи) Зухра санъатига қиёсланиб баҳоланган. Жумладан, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул вақоеъ” тарихий асарида муғанния Жигарий Чангий санъати қуйидагича таърифланади: “У чангни садолан-тирганида он фалак базмидаги Зухро ўз созини ерга урарди, осмондан ерга тушиб ўз сочи торларидан унинг чанги учун тутарди”<sup>1</sup>. Темурийлар даврида ишланган мўъжаз миниатюраларда созанда аёллар кўпинча чанг ва дойра чолғуларида машқ қилаётгани тасвирланади. Бунда асосан хотин-қизлар орасида кенг қўлланган чанг чолғуси ҳозирда маълум шу номли создан фарқли ўлароқ кичик арфа кўринишида бўлиб, тавозеда турган иболи аёл тимсоли ҳам бўлган<sup>2</sup>.

Фарғона водийсида юзага келган Наманган яллачилик санъатининг тарихий илдизлари, назаримизда, XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Андижон ҳудудида қад кўтарган Ахси давлатининг сарой маданиятига бориб тақалади. Бунинг бир қатор объектив сабаблари бор.

Энг аввало Ахси (Андижон) ва Наманган вилояти айрим ҳудудларининг географик жихатдан бир-бирига яқин жойлашганлигини қайд этиш лозим. Соҳибқирон Амир Темур асос солган Ахси салтанати ҳозирги Наманган вилоятининг Косон, Тўрақўрғон, Мингбулоқ, Наманган ва Норин туманларининг бир қисми билан чегарадош бўлган. Шу яқинлик натижаси ўлароқ мазкур ҳудудларнинг маҳаллий аҳолиси маданиятлари ўзаро таъсирланиш жараёнларида бўлганлиги табиийдир.

Темурийзода Умаршайх Мирзо (Бобурнинг отаси) бу давлатнинг пойтахти мақомида Ахсикент шаҳрини танлаган ва 1462-1494 йиллари ўз тасарруфидаги мамлакат ҳудудларини шу ердан туриб бошқарган эди<sup>3</sup>. Умаршайх Мирзо ҳам Соҳибқирон Амир Темур олиб борган сиёсатга биноан пойтахтда ҳунармандчилик, меъморчилик, хаттотлик ва илм-фан ривожига катта эътибор берди. Шоир ва санъаткорларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароит ва ижодий муҳитни яратиб берди. Табиийки, яратилган шароитлар ўлароқ бу заминда қатор санъаткорлар етишиб чиққан эди.

Умаршайх Мирзо ҳукмронлик қилган пайтларда унинг рафиқалари, канизақлари ва саройда фаолият кўрсатган аёлларга ўз давраларида ўйин-кулги қилишларига ижозат берилган. Унинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам улуғ бобоси Амир Темур ҳамда отаси сингари адабиёт ва турли санъатлар билан бирга мусиқа санъатига эътиборли бўлганлиги ёзма манбаълардан маълум. У ўз саройи ва унинг атрофига кўплаб санъаткорларни тўплаган бўлиб, аёлларнинг эркак санъаткорлар билан биргаликда ижод этишлари масаласида улуғ Соҳибқиронга муносиб издошлик қилган<sup>4</sup>. Кейинчалик бу анъанани у Ҳиндистонда ҳам давом эттирган эди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup>Восифий З.М. Бадоеъул вақоеъ. (Форсийдан Наим Норқулов таржимаси). – Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. – 11 б.

<sup>2</sup>Полякова Е., Раҳимова З. Шарқ миниатюраси ва адабиёти. – Т. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1987. – 1, 12, 13, 37, 43 б.

<sup>3</sup>Ҳалилбеков А. Наманган адабий гулшани. –Н. Наманган. 2007. –12 б.

<sup>4</sup>Гулбаданбегим Заҳириддин Бобур қизи. Ҳумоюннома.–Т. Маънавият.1998. – 51 б.

<sup>5</sup>Гулбаданбегим Заҳириддин Бобур қизи. Ҳумоюннома... – 10, 31, 50, 54, 57 б.

Ахси салтанати эса 1620-йилга келиб рўй берган zilzila натижасида вайрон бўлгач унинг асосий аҳолиси Наманган ҳудудларига кўчиб ўтган эди<sup>1</sup>. Аҳоли қаторида кўчиб келган сарой санъаткорлари ўзларининг фаолиятларини ҳозирги Наманган вилоятининг турли ҳудудлари ва шаҳар марказида давом эттирганлар<sup>2</sup>. Атоқли олим Ф.Кароматли томонидан 1964-йили Андижон вилоятининг Балиқчи, Асака ва Хўжаобод туманларида ёзиб олинган кўпгина кўшиқ, ашула, ва ялла намуналарининг Наманган яллагилари ижросидаги айтимлар билан жуда ўхшашлиги ҳам шу боисдан юзага келганлиги ҳақида хулосага келинди.

Тарихий манбаларни қиёсий ўрганиш асосида шундай хулосага келиндики, буюк бобомиз Амир Темур ва Темурийзодаларнинг саройларида кечган ижодий жараёнлар ва мавжуд бадиий анъаналар кейинги даврларда ҳам аёллар санъати ўсиб бориши ҳамда яллагилик санъати шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Гарчанд XVI асрга келиб Темурийлар ҳукмронлиги ўз мавқебини йўқотган бўлишига қарамай, уларнинг саройларида юзага келган аёллар санъати изсиз йўқ бўлиб кетмади, балки Ўрта Осиёда бирин-кетин юзага келган Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида янгича мазмун-маъно касб этди.

Бугунги кунга келиб ривожланишда давом этаётган яллагилик санъати ва унинг турфа анъаналари халқимиз маданий ҳаётининг турли кўринишларида, тўй маросими ва байрамларида кенг намоён бўлмоқда. Узоқ ўтмишдан бугунги кунгача ўтказиб келинаётган бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи каби оилавий маросим ва бошқа байрам тадбирларида аёлларнинг, шу жумладан, яллагиларнинг ҳам фаол иштирок этиб, улар томонидан маросим (“Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Хуш келдингиз” ва б.) ва номаросим (кўшиқ, лапар, ялла ва б.) айтимларининг кўйланиши ҳамда бу ҳол жойларда асрий анъана бўлиб келаётганлигига 2004-2013 йиллари Наманган вилояти ҳудудларига уюштирилган мусиқий-фольклор экспедициялари давомида иқроор бўлди.

Аёллар ижодида ва уларнинг маданий ҳаётларида оилавий маросим (“Ёр-ёр”, “Келин салом”, “Алла” ва б.), ашула, кўшиқ, ялла айтимлари, катта аҳамият касб этиб келмоқда. Илмий кузатувлардан маълум бўлдики, яллагилик санъати ҳамда унинг ижодкорлик, ижрочилик ва устоз-шогирд анъаналари бугунги кунда асосан Наманган шаҳарида ривожланиб келмоқда.

**“Яллагилик санъатининг мусиқий-шеърый асослари”** номли иккинчи бобда яллагиликда асосий ўрин тутган жанрлар таркиби, парда-оҳанглари ҳамда куй ва сўз мутаносиблиги ёритилади. Наманган яллагилигида кўлланиб келинаётган жанрлар асосини халқ ижоди, аниқроғи, хотин-қизлар орасида азалдан маълум, “ичкарида” эса шаклу шамойили узил-кесил шаклланган кўшиқ, лапар, ялла, ўлан, ашула сингари айтим жанрлари ташкил этади. Шеърят, мусиқа ва рақс санъатлари ўзаро муштарак яллагилик санъатида рақсбоп дойра усуллари, бармоқ вазнидаги шеърят ва

<sup>1</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси 2-жилд.Т. Ўзбекистон. 2001. – 249 б.

<sup>2</sup>Ўзбекистон миллий энциклопедияси 6-жилд. –Т. Ўзбекистон. 2001. –249 б.

аёллар ижодига хос куй-оҳанглари асосида турли шакл (банд, нақаротли банд ва б.)га эга айтимлар, шу жумладан, халқ айтимларининг янгича жилоланган кўплаб вариантлари ва мумтозлик даражасига юксалган намуналари ҳам ижод этилган эди. Натижада, кўшиқ, лапар, ашула, ялла каби жанрларга оид айтимларнинг ўзгача кўринишлари намоён бўла бошлаган.

Ялла жанрида ижод этилган айтимлар асосан севги-муҳаббат ва энгил ҳазил мавзуларида бўлиб, бармоқ вазни (кўпроқ 7-8 ҳижоли) банд-нақарот шаклида тўқилган халқ шеърлари асосида айтилади. Ялла ижросида шу шакл тузилишига мувофиқ бир айтимчи (яккахон) ва кўпчилик (икки ва ундан ортиқ жўровоз ансамбль) иштирок этади. Бунда банд ва рақсни яккахон, нақаротларни эса кўпчилик қўшилишиб айтади. Хуллас, банд ва нақаротларнинг навбатма-навбат алмашилиб келиши асосида яккахон ва жўровозлар галма-гал куйлайдилар<sup>1</sup>. Яллалар ҳамма вақт рақс билан ижро этилгани боис Ф.Кароматли бу жанрни “рақсий айтим” ибораси билан тавсифдайди<sup>2</sup>. К.Олимбоева-Аҳмедова яллани ҳазил ва севги мавзуларида бўлишини ва асосан Фарғона водийси аёллар даврасида “ўйин ва рақс ҳаракатлари жўрлигида айтилишини” таъкидлайди<sup>3</sup>. О.Иброҳимов ҳам шундан келиб чиққан ҳолда “ялла” сўзи “ўйнаб-куйла” тушунчасининг қисқартма “ял-ла” бирикмасидаги ифодаси эканлигини илгари суради<sup>4</sup>. Ялла рақсий-айтимлари яллачилик санъатида салмоқли ўрин тутади. Аслида “яллачи” ибораси ҳам ана шу жанр сифатлари билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келган. Шунингдек, Наманган маданиятида касбий яллачи аёлларга нисбатан “сатанг” ибораси ҳам кенг ишлатилиб келинади. Бу ерда “сатанг” деганда кийиниши, соч турмаклари, сўзлашиш маданияти билан бошқа аёллардан ажралиб турган санъаткор аёллар тушунилади. Чунки улар халқ орасида оддий аёллардан кўра ўзларига бисёр оро бериб, улардан алоҳида либослар билан ажралиб туришлари билан ҳам эътиборни ўзларига жалб қиладилар.

Кўшиқ жанрида халқ шеъри ва куй асоси тўртлик тузилмаларидан иборат банд шаклида ўз ифодасини топади. Бунда дастлабки икки мисра қофиядош ва оҳангдошлиги, учинчи мисра эса бошланғичга нисбатан оҳанглари биров юқори пардаларга кўтарилма ҳосил қилиши ва ниҳоят, тўртинчи мисра оҳангида яна таянч парда-товуши қарор топиши кузатилади. Шунини ҳам айтиш жоизки, кўшиқнинг шеърий мисралари *а,а,б,б*, *а,б,а,б*, *а,а,б,в* каби қофияланиши мумкин бўлса-да, аммо куй-оҳанглари доимо *а,а,б,а* тарзида келади<sup>5</sup>.

Яллачилар ижодида кўпгина халқ кўшиқлари энгил уфар (6/8) усулига боғланган ҳолда рақсбоп айтим сифатига эга бўлиши қайд қилинди. Шунга

<sup>1</sup>Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусика ижоди. 1-қисм (методик тавсиялар) – Т. ЎЗР ХТ ўқув методик маркази. 1994. – 5 б.

<sup>2</sup>Кароматов Ф. Ўзбек халқи музика мероси XX асрда. II-китоб. – Т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. – 8 б.

<sup>3</sup>Олимбоева-Аҳмедова К. Ўзбек аёли ҳаётида мусика. –Т. Ёзувчи. 1996. –20 б.

<sup>4</sup>Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусика ижоди. 1-қисм. ... – 51 б.

<sup>5</sup>Иброҳимов О. Ўзбек халқ мусика ижоди. 1-қисм. ... – 46 б.

Ўхшаш янгилашишлар “савол-жавоб” шаклли лапар ҳамда ашула жанрида ҳам кузатилади.

Яллачи-сатанглар табиатан лирик айтим жанри бўлган ашулаларни ўз услубларига монанд этишда кўпроқ тўрт хиссали (танавор, қашқарча ва б.) дойра усулларидан унумли фойдаланадилар. Яллачилик санъати намуналарининг мазмун-моҳиятини теран ифода этиш ва англаш борасида уларнинг куй-оҳанглари энг муҳим ўринда туради. Айнан шу бадий ифода воситаси туфайли куйланаётган шеърнинг ўзига хос оҳанглари янгича жилоланиб, мазмунан таъсир кучи ортади, дойра усулларининг монотон такрорланувчи ритмлари эса турфа бўёқларга “йўғрилиб”, рақс ҳаракатлари ҳам шунга мувофиқ маъноларни ифода этади.

Яллачилик санъатида садоларда таралган турли мавзу ва руҳий ҳолат (қайғу, дард-алам, севинч, шодлик ва ҳ.к.)лар энг аввало дастлабки оҳанг тузилмаларида ўзининг бирламчи ифодасини топади. Кузатувлар шуни кўрсатадики, Наманган аёлларининг мусиқий ижодида кичик ва катта терция интерваллари доирасида уюшган сифати турлича (фригий ва б.) трихордлар ва шулар асосидаги оҳанг тузилмалари бениҳоя муҳим ўрин тутди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Наманган яллачилик санъатида фригий хусусиятли трихорд ва шу асосдаги куйи ва юқори йўналишли оҳанг инвариантлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда андозанинг эолий хусусиятли кўринишидан фарқли ўлароқ I- ва II-поғоналари орасида фригий (кичик) секундасининг ҳозир бўлиши, табиийки, оҳанг семантикасида азалдан мавжуд мунгли (йиғи) ифодасини янада бўрттиради. Шу боисдан ҳам мазкур андозага асосланган “Ёр-ёр” намуналари вазмин суръат ва ҳазин руҳда ижро этилиб, нисбатан куйчанлиги билан ажралиб туради.

Яллачилик санъатида катта терция доирасида келган трихорд ва шу асосдаги оҳанг андозалари асосан яллаларнинг ривожлов ва тугаллов (каденция) қисмларида кўп қўлланилади. Бошланғич тузилмаларда эса унинг фригий ва бошқа оҳанг андозалари билан кетма-кет уланиб келиши кузатилди.

Пировардида аён бўлдики, яллачи-сатанглар ижодида энг кичик оҳанг бирлиги ва, айна пайтда, мусиқий тафаккурининг энг муҳим категорияси сифатида юқорида қайд этилган товушлар учлигидан иборат оҳанг инвариантлари намоён бўлади.

Яллачилик санъатида куй ва сўз мутаносиблиги турлича намоён бўлади. Бунинг натижасида айтимларнинг турли шакллари юзага келади.

Бунда банд-нақарот нисбатига эга шакллар яллаларнинг асосий салмоғини ташкил этиши аниқланди. Бундай намуналарда яллаларга хос барча бадий ифода воситалари, хусусан, енгил (6/8) ва оғир (3/4) уфар усуллари, поғонама-поғона келган ёндош ва сакрама оҳанглар, тор ҳажмли тузилма (тетрахорд)дан тортиб, то эолий, миксолидий ва, айниқса фригий каби ладлар кенг қўлланилиши кузатилади. Шунингдек, бу айтимларнинг бошида дастлаб “банд”, сўнгра эса “нақарот”ни келиши уларда асосан халқ

шеърлари қўлланилганлиги билан изоҳланади. Зеро, бу ўринда халқ ижодида юзага келган бадий анъаналарга қатъий риоя қилиниши кузатилади.

Нақарот-банд кўринишида келган яллаларда шодлик туйғуларининг ёркин ифодаси ўлароқ рақс унсурлари кенг қўлланилади. Бундай намуналар, одатда, олти ҳиссали шўх уфар дойра усулли нақарот билан бошланиб, сўнггида яна шу нақарот билан якунланади.

Қўшиқ ва ашула жанрларига оид намуналар (“Қўқонга бордим”, “Одамий”, “Қизил гул”, “Ўғил”, “Уйғотма ёрим” ва б.) одатий банд-нақарот ёки нақарот-банд нисбатида эмас, балки фақат айтим бандларидангина иборатдир. Аслида яккахон ижрочи учун мўлжалланган бундай айтимларда қўшиқ ва ашула жанрларига хос хусусиятлар қоришиб келади.

